


# ТОНТЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 44 (66019)  
1997 йил, 11 июнь, чоршанба

Сотувда эркин  
нархда



## ДУНЁ БОЛАЛАР НИГОХИДА

теъдодли болалар яратган ранг-баранг тасвирий санъат асарларини Ўзбекистон халқ расоми, Бадий академия фахрий аъзоси Рузи Чориев бошлиқ ҳайъат баҳолади. Қашқадарё вилояти вакили Санжарбек Хусайнов билан республика уквчилар саройи қатнашчиси Жамшид Тиллаев би-

ринчи уринни эгаллади. Совриндорлар сафида тожикистонлик Дилафруз Солиева, қирғизистонлик Жалин Тилебоева, қозоғистонлик Асем Жолтоева ва Қорақалпоғистон Республикасидан Азамат Нурумбетовлар ҳам бор. Курик таълолда қатнашган бир гуруҳ иқтидорли ёш мусав-



вирлар Ўзбекистон Бадий академияси таркибидаги республика бадий коллежига ўқишга тавсия этилди.

**Суратда: Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳридан Санжарбек Хусайнов.**

Сураткаш: Р. Альбеков.



чаларига, уй деворларига қуйилган гуллар «манаман» деб жилмайиб турарди. Синфдошимнинг угил бола була туриб, гулга шунчалик меҳр қуйгани ҳайратга солди. Жобирнинг уз қули билан устираётган гулларининг ичида «Бахт гули», «Самарқанд юлдузи», «Хитой атиргули» ва яна бир қанча ажиб тароват касб этиб гуркираб усаётган гулларга қараб олам-олам кувонч олдим.

Демакки ҳаракатда — баракат бор экан. Ўз меҳри билан нафосат дунёсини бойитаётган бу синдошимга умр карвонида тиконли эмас, гулга тулган ошёнлар тилаб қоламан. Зеро, ҳар қандай буюк кашфиёт ҳам оддийгина меҳру садоқатдан бунёд булади.

**Гўзал НОРЧАЕВА,  
Қашқадарё вилояти,  
Ўсмон Юсупов  
туманидаги Й. Курбанов  
номли 6-ўрта мактабнинг  
11-синф ўқувчиси.**

## МЕХРДАН ЯРАЛГАН НАФОСАТ

Баъзида уй юмушларидан, китоб ўқишдан чарчаганимда дарҳол дераза олдига бораман.

У ердаги нафис ва сулув гулларимга туйиб-туйиб термуламан, завқ оламан.

Гул бу уйнинг курки бўлибгини қолмай, дилга қувват, туйгуларимга кайфият улашувчидир.

Мен шу вақтгача гулни

купроқ қизлар ёқтиришади, деб уйлардим. Аммо бир кун...

Қиш кунларнинг бирида уйимизга қушни турадиган синфдошим Жобирнинг уйига киргандим. У бехосдан, гулларимни курмайсизми, деб қолди. Аввалига ҳайрон бўлдим. Уйга киргач эса кузларим яшнаб кетди. Дераза ток-



## ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Фаргоналик болалар ва ҳамманинг диққатига! Давлат Матбуот Қўмитаси маънавиятимиз асоси бўлган китоб тартиботини янада оммалаштириш мақсадида, шў ойнинг 14—, 15—, ва 16— кунларида ШОҲИМАРДОН оромгоҳида, хусусан, болалар дам олаётган масканларда ёзувчи ва шоирлар, китоб ижодкорлари — нашриёт директорлари билан учрашувлар утказлади. Унда сеvimли газетангиз «Тонг юлдузи», «Солнишко», қадрдон журналларингиз «Гулхан» ва «Гунча»нинг Бош муҳаррирлари ҳам иштирок этадилар. Ўзбекистон нашриёти директори Шомухиддин Мансуров, «Чулпон» нашриёти директори Анвар Обиджонлар сизларни янги китоблар билан таништиришади. Омон Матчон бошчилигидаги Жаббор Раззоқов, Нормурод Нарзуллаев, Муҳтарам Улуғова, Зебо Мирзаева каби ижодкорлар эса Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунни олдида утказилаётган бу тадбирда инсонийлик ва одамийликни улғашни ҳаётдан ҳам КИТОБдан урганиш кераклиги ҳақида фикр юритадилар. Улар узларининг янги асарларидан ўқиб берадилар.

Учрашувга, баҳслар ва мунозаралар тантанасига шошилдинг!

**ҲАҚИҚАТ БАҲСЛАРДА  
ТУФИЛАДИ!**

## Аълочи

Аълочи Бобуржон бизнинг саволларимизга шошмасдан, аниқ ва лунда жавоб қайтардики, рости, шундан кейин унга хурматимиз тагин ортди...

— Бобуржон, ешинг начада?  
— Ун биринчи марта 11 ёшга тулдим.

— Нечинчи синфда ўқийсан?  
— 4-синфда.  
— Баҳоларинг қалай?  
— Эмон эмас.

Айтиб қуяйлик, Бобуржон шошқалоқликни ёмон кургани каби мақтанишни сира-сира, хуш курмайди. У оилада шундай тарбия топган. Унинг ота-жониси — Эргаш Рузиев менинг болаликдаги синфдош дустим. У куп вақтини Бобуржон билан утказди. Ота-бола биргалишиб дарс тайёрлашларини куп бор кузатганман. Ҳа, Бобуржон Самарқанд ша-

## ЭНГ ЯҚИН ЁРДАМЧИМ — ЎЗИНГСА



ҳар, Темириул туманидаги Сайид Ризо Ализода номидаги 14-мактабда ўқийди.

— Синфларингизда аълочилар купми?

— Аълочилар куп, ёмон ўқийдиганлар оз.

— Аълочи синфдошларингиздан бир-иккитасини сана-чи.

— Мунис Гуломов, Беҳзод Бобомуродов, Азамат Дустқулов, Умида Назарова, Назокат Мухторова ва яна Бобур Эргашев...

— Устоз муаллимларингиздан кимларни тилга олишни истардингиз?

— Биринчи ўқитувчим — Гулзор опа Жуманазаровани, лотин тили ўқитувчимиз Гулсара опа Иноятовани, тагин... тагин Шўҳрат акани, Илина Сергеевнани...

— Келажакда ким бўлмоқчисан?

— Абдулла Ориповга ухшаб шоир бўлмоқчиман.

— Яхши-ку! Қайси шеърларни ед биласан?

— «Ўзбекистон мадҳияси»ни, «Қиш тузгитар момиқ пар»ни, «Кимнинг хати чиройли?»ни ва яна...

— Даланг сени лотин алифбосида яхши ёзди, дегандай бўлдингиз...

— Ҳа, ёзишни ҳам, ўқишни ҳам биламан.

— Яна қайси фанларга қизиқасан?

— Математикага.

— Шунинг учун ҳам «Ёш математиклар» тугарагига аъзо экансан-да?! Уша тугаракни ким бошқаради?

— Биласизми, Феруза опа Каттаева: «Математика — сирли ва муъжизакор фан — бу фанни яхши курганларга доимо омад кулиб боқадим», деб айтади. ШОҲМОТда ҳам математик аниқлик бор, дейишади-а?!

— Уйда купроқ нима ишлар билан банд бўласан?

— Ойимга уй ишларида қарашаман, сингилларимни уйнатиб — овутаман. Мени ойим ҳам «Энг яқин ёрдамчим — ўзингсан» деб яхши курадилар...

**Абдулла ТУРДИЕВ.**



Янгиликка уч булган болаларга яна бир антиқа янгилик топилди.

— Эшитдингизми, 10-синфдаги Воҳиджон сабзи кавлайдиган механизм яратганмиш.

— Узи зур бола-да, аълочи, жамоатчи...

— Бу қандай амалга ошдийкин?

— «Ёш техник-ижодкор» Республика курик танловида уз ихтироси билан қатнашиб биринчи уринни олибди.



## УЗБЕК-ТУРК МЕХМОНЛАРИ

— Энди сабзи қудда қовланмайдими?

— Ҳа, агар бу ихтиро фанга тезроқ тадбиқ этилса, деҳқонга анча янгилик яратилган бўлади.

— Эҳ, қандай омадли бола-я...

Изланувчан Воҳиджон Пулатов Андижон муҳандислик иқтисодиёт олийгоҳига қарашли гимназиянинг 10-синфида уқийди.

«Ёш техник-ижодкор» Республика курик-танлови ғолиби Воҳиджон Пулатовга Ўзбекистон Халқ таълими вазири Жура Йўлдошев диплом ва қимматбаҳо совғалар топширди.

Дилнавоз ХУДДИЕВА.

## САНГАРДАК ШАРШАРАСИ

Сурхондарёда Сангардак деган жой бор. Унинг ён атрофи баланд тоғлар билан уралган бўлиб, тоғнинг уртасидан оқиб тушаётган шаршара кузларингизни жуда қувонтириб, руҳиятингизга ёруғлик улашди.

Сангардакка ёз чилласида борсангиз-да совуқ қотасиз... Қуёш кулиб турганига қарамай ёмғир савалаб тураверади. Бу ернинг катталари туғул болалари ҳам урганиб кетишган бу об-ҳавога. Тоғдан оқиб тушаётган шаршара йул ёқасидаги каналга бориб қуйиларкан. Биз бу ерда ажойиб манзарага дуч келдик. Совуқдан баданларимиз уюшиб, узимиз билан иссиқ кийим олиб келмаганимизга бироз норози бўлиб машинадан тушсак, каналда 10-12 ёшлардаги 4-5 та бола чумилишяпти. Аввалига сув иссиқ

булса керак, деб уйладик. Лекин, барибир ҳаво совуқ эди-да. Биз ҳам болалар ёнига бордик. Лекин, шимларимизни тиззамизгача шимариб сувга тушдик...

Ишонасизми, сувни музхонага қуйсангизда шу даражада музлаши — унга қорбо-бо-да дош беролмаслиги мумкин. Бирдан, болалар касал бўлиб қолиши мумкин, деган хаёлдан қурқиб кетдим. Болаларни сувдан чиқариш кераклигини айтдим шерикларимга. Бир четда набирасини кутариб турган бобо бизнинг гапларимизни эшитиб қолдилар шекилли:

— Ҳеч нарса қилмайди болам. Бу сув яхдек булгани билан шифобахш, — дедилар, сурхондареликларга хос шевада... Кунглимиз бироз тинчигандек булди. Биз отахонни суҳбатта тортдик.

— Мен ҳар йили бир марта болаларимни зиёрат қилишга олиб келаман. Бу ер қишдан бошқа вақтда ҳамиша одамлар билан гавжум бўлади. Эҳ-ҳе қаерлардан келмайди дейсиз. Мен Узундан келдим. Мени отам машҳур чавандоз булганлар, энамни айтишига қараганда, ҳар йили мени шу ерга чумилтириш учун олиб келарканлар. Мана ҳозир 82 га кирдим, болам. Бирор марта ҳам касал булганимни эслолмайман. Отамни шу феъли менда қолган. Ҳар йили бир марта булса ҳам 150 чақирим йул босиб, невараларимни олиб келаман...

Ота билан гаплашяпман-у, шубҳа билан болаларга қарайман. Йўқ болаларнинг бақувват жуссалари отахоннинг гапларини тасдиқлаб турарди...

ХУСНИДДИН ГЛОНОВ.

— Самарқанддаги саёҳатимиз жуда қизик булди-да!

— Нимасини айтасан... Бизни ҳақиқий чет эллик деб уйлашди.

Икки усмирнинг инглиз тилида эркин суҳбатлашаётганлигига ҳавасим келди:

— Қаерда уқийсизлар?

— Ўзбек-турк лицейида.

— Инглиз тилида жуда яхши гапирар экансизлар.

— Чунки бизда бу тил чуқур ургатилади-да!

— Қизик бир воқеа ҳақида суҳбатлашятувдинглар-а?..

— Инглиз тилини биласизми?

— Ҳа, — бош силкидим мен.

— Яқинда қизик воқеа булди. Биз бир гуруҳ уқувчилар билан Самарқандга саёҳатга борган эдик, — гап бошлади улардан бири, — шунда биз инглиз тилини қандай урганганимизни синаб кўрмоқчи булдик. Иккимиз хорижликлардек фақат инглиз тилида гаплашдик, уртоқларимиз бизга «таржимонлик» қилишди. Бошқа жойлардан ҳам келиб асрий обидаларни томоша қилиб юрган тенгдошларимиз ҳам бизга ҳақиқий «чет эллик» сифатида қарашди.

Суҳбатдошларим Ўзбек-турк (меҳмонхона ва туризм хизмати) лицейининг битирувчилари Рихсивой Турсунов ва Ҳожиакбар Олимов экан. Очиқ юзли бу икки усмирнинг суҳбати кунглимда ажиб бир фаҳр туйғусини уйғотди, юртимиз келажаги шундай ёшлар қўлида эканлигидан қувониб, шу лицейнинг директори У. О. Парпиевга бир неча саволлар билан мурожаат қилдим:

— Маълумки, Республикада 8 та Ўзбек-Турк лицейи бор. Шунга қарамасдан уларга қизикниш ортиб бормоқда. Марҳамат қилиб, лицейингиз фаолияти ва асосий вазифалари ҳақида сўзлаб борсангиз?

— Дарҳақиқат лицейимиз Ўзбек-Турк ҳамкорлигидаги лицейлардан бири бўлиб, у Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш ва уни дунё савиясига кутариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 1993 йил октябр ойда ташкил этилди. Унинг узига хос томони шундаки, у Республикада ягона ҳисобланади ва асосан туризм соҳасида дунё андозаларига мос, туризм талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлайди. Мақсадимиз — юртимизнинг қадимий, гузал шаҳарлари: Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз ка-

биларни жаҳонга танитиш ва шу орқали Республика иқтисодига уз ҳиссамизни қушишдир.

— Уқитиш жараёни ҳақида тўхталсангиз.

— Бажонидил. Лицейда уқиш муддати 4 йил давом этади. Биринчи йили тайёрлов гуруҳи бўлиб, унда фақат инглиз ва турк тиллари чуқур ургатилади. Қолган уч йилида мутахассисликка доир фанлар тажрибали ўзбек мутахассислари Гулбахор Гулметова, Адиса Ҳошимова, Шанам Юсупова каби устозлар томонидан, — «туризм иқтисоди», «туризм терминлари» кабилар, махсус фанлар эса билимдон турк мутахассислари Карадаш Султон, Уз турк Бурҳон, Сулаймон Сайин томонидан олиб борилади.

— Эшитишимизга қараганда сизларда кириш имтиҳонлари ниҳоясига етказилибди. Имтиҳонларнинг барвақт ўтказилиши ўқув жараёнига таъсир қилмайдими?

— Йўқ. Барча ўзбек-турк ҳамкорлигидаги лицейларда кириш имтиҳонлари май ойида утказилади... Лицейга киришни хоҳловчилар мактабдан ажралмаган ҳолда уқийтганлиги ҳақида маълумотнома ва туғилганлиги ҳақида гувоҳнома топширадилар. Менимча бу 9-синф битирувчиларига халал қилмайди, балки келажақда туризмни ривожлантиришга уз ҳиссаларини қушмоқчи булган ёшларга уз билимларини синаб кўриш имконини беради. Бизнинг лицейда бошқа лицейлардан фарқли улароқ аввал суҳбат тарзида уқувчиларнинг билимлари синаб кўрилади ва суҳбатдан утган уқувчинга тест-синаовларига киритилади. Бу йил ҳам 400 нафар хоҳловчидан 250 таси суҳбатдан ижобий натижаларга эришдилар.

— Уқувчиларимизни қайси фанлардан ва қай усулда имтиҳон ўтказилганлиги қизиқтиради.

— Бу йил суҳбатдан утган уқувчилар она тили, адабиёт, химия, физика, тарих, геометрия каби фанлардан тест асосида имтиҳон топширдилар.

— Вилоятлардан келган ва шароити оғир ўқувчиларга қандай имтиёзлар мавжуд?

— Лицейимизга Тошкент шаҳридан 70 нафар, қолган вилоятлардан 20 нафар уқувчилар қабул қилинади. Вилоятлардан келган уқувчилар ётоқхона ва стипендия билан таъминланадилар, оилавий шароити оғир булган уқувчиларнинг стипендиясига қушимча фойзалар қушиб берамиз.

— Яқинда икки ўқувчингиз Р. Турсунов ва Ҳ. Олимовлар билан суҳбатлашиб қолдим...

— Ҳа, улар лицейимизнинг фахри! Шу кунларда улар «Интерконтинентал» меҳмонхонасида уз амалий машғулотларини утайптилар. Қувончли томони шундаки, меҳмонхона маъмурияти уларни ама-

лиётни урнига қуяётганликлари учун узларига ходим қилиб олишмоқчи ва 9 ой муддатга тажриба урганиш учун хорижга юборишяпти. Бу йил 71 нафар илк қалдирғочларимиз мустақил ҳаётга йўлланма оладилар. Айни кунларда улар Республикадаги «Меридиан», «Тошкент», «Чорсу», «Ўзбекистон», «Бухоро», «Афросиёб» каби меҳмонхоналарда олган билимларини амалиётда синаб кўрмоқдалар.

— Ечимини кутаётган муаммолар хусусида фикрингиз?..



— Сир эмаски, ҳозирги кунда Республикадаги деярли барча туризм ташкилотлари нодавлат тузилмаларига айлантирилмоқда. Уларнинг баъзиларида шу вазифаларга мугасадди булган бошлиқлар мутахассис булмаган кишилар билан жойларни банд қилиб утиришибди. Бунинг албатта салбий томонлари бор. Эртами-кечми тил биладиган, «сервис» хизмати курсатадиган мутахассисларни ишга қабул қилсалар фойдадан холи булмасди. Улар эса бизнинг кадрларимизга унча эътибор беришмаяпти, ҳолбуки, «Интерконтинентал»дек эътиборли, савияси баланд хориж меҳмонхонаси маъмурияти мутахассисларимиздан мамнун.

— Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур! Суҳбатдош: Дилрабо ДАВЛАТОВА.

«ХОРИЖЛИК

МЕХМОНЛАР»



Окаси, хув окаси, сиззи бир минутга мумкинми? Йук, жевачкачи огайнимизи эмас, у кишимни бугун безовта қилгим йук. Кассетафуруш укамиззи... Сотмаяпман, дедингми? Нима қивотсиз булмаса? Прокатга бераман? Ўзбекчасига нима булади у «прокат»инг? Нага билмийсан? Ўзбекми-сан ўзи? Асли олти йилдан буён сани «прокат» дедириб қуйганларнинг орқасига бир

## 703 БИРИНЧИ ЧИРАШУВ

сиқим чуг... Ҳа, майли буям бошқа сафарнинг гапи. Кулингдаги қанақа кассета? Ужас? Кимми қурқитмоқчисан? Жа, маҳаллангнинг болаларининг юраги отти калласидай буп кетибдими, қурқитасан? Узи унингсиз ҳам бариси чумчук юрак. Йўғ-ей... Ботири куп, дегин... Барибир сан уларга ужас курсатма. Алпомишни курсат, Гурўгли, Авазбекни

курсат... Уларди кассетаси чиқмабдими? Сан бунақа қилиб юрсанг, уртогинг жевачка сотиб утирса, ким чиқаради уларди кассетасини? Кассета каламуш эмас, ерри тешиб чиқиб келадиган? Уни чиқариш учун ўқиш керак, каллани ишла-тиш керак.

«Ужас»ингни буёққа берчи? Ойим уришаллар дейсан-

ми? Уришмийла. «Ман узимизда баҳодирлар ҳақида кино ишлаб чиқарганимда қайтариб берарканлар» дейсан-да, шунда сукмайдилар, суюниб кетадилар. Журъат аканг бир нарса деса билиб айтади, ҳа, шунақа!



Журналистика — машаққатли соҳа. У тинимсиз ижод, изланиш, доимо уйғоқ руҳ билан яшашни талаб этади. Давр нафасини англаб, имкон даражасида таҳлил қилиш, ёзганда ҳам зур, ута муҳим муаммоларни кутариб чиқиш учун ижодкорда салоҳият ва изчиллик туйғуси шаклланиши керак. Суз эркинлиги ва масъулияти кучайиб бораётган ҳозирги даврда ўзбек журналистикаси ривожига ҳисса қўшган заҳматкаш кишилардан бири, Анвар ака Каримовдир.

Қарийб 40 йилдан бери уларнинг қулидан қалам тушмайди. Адолат ва ҳақиқат йулини танлаган, доимо сермазмун ва моҳиятан бой мақолалар ёзган, ЎзТВ ва радиосида ёниқ виждон билан чиқиш қилган журналист олим бугун ҳам давримизнинг асл қиёфаси, турмушимизнинг турли лавҳаларини маҳорат билан акс эттираяпти. Таниқли олим ўз умрида улкан ижод боғини яратди.

У киши 1960—68 йиллар давомида ЎзТВ да оддий му-

ҳаррирликдан то бош муҳаррир лавозимигача ишлади. «Эртақ кетидан эртақ», «Ғазалхон ёшлигим», «Талабалик — олтин даврим», «Оталар сузи — ақлнинг кузи» туркум курсатувлар ҳамда «Ғунча», «Истиқбол эгалари», «Олим булсанг, олам сеники» каби телевизион журналларига муҳаррирлик қилди. 1968 йилдан бошлаб у Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида ил-

### Мунаввар ҳаёт

мий педагогик фаолиятини давом эттирди. Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси тарихи, радио журналистика, телевизион журналистика назарияси ва амалиёти касби одоб-ахлоқи, ҳамда бир қатор махсус курслардан талабалар билан назарий-амалий машғулотлар олиб борди. Унинг маърузалари юксак савияси,

чуқур илмийлиги, қизиқарлилиги билан ажралиб турарди. 1971 йилда «Ўзбекистон телевидениесининг пайдо бўлиши ва тараққий этиши» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Устознинг Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси тарихи, телевидение ва радио танқидчилиги, ўзбек бадиий ва ҳужжатли киносига оид 3 та китоб, 600 дан зиёд мақолалари, газета, журнал, қомус,

турли китоблар, илмий тупламларда чоп этилган. У «Телевизион журналистика» ўқув қўлланмаси, «Мустақил Ўзбекистон телевидениеси» монографиясини нашрга тайёрлади. «Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси — мустақиллик шароитида» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида илмий иш олиб бормоқда...

Олий таълим аълоҳиси, Ўзбекистон радиоси ҳамда «Халқ сузи» газетасининг сиёсий шарҳловчиси, «Сиёсий портретларга чизгилар», «Ҳар бола — бир дунё», «Жума уғитлари», «Фан даргалари» каби туркум радио эшиттиришларнинг доимий бошқарувчиларидан бири. 1996 йилдан бери ТошДУ журналистика факультети халқаро бўлимининг мудир лавозимида ишляпти.

Ҳа, 60 ёшли Анвар бобо доимо ёшлар орасида.

Устознинг сизга тақдим этган қатра ҳикояларида ҳам сиз учун сабоқ буларли воқсалар мужассам.

сабабини сўрабди: Шунда Искандар: «Отам менага ҳаёт бағишлади, устозим эса мени арши аълога олиб чиқди» деб жавоб берган экан.

\*\*\*

Кунлардан бир кунни мавлоно Абдурахмон Жомий Самарқанддаги мадрасалардан бирида дарс бераётган эканлар. Топибди илмлар устознинг доно ташбеҳлари, фикрининг мантиқ кучидан таъсирланиб, дарс тинглаб ўтиришаркан, алҳол, домланинг нигоҳлари дараза томонга тушибди. Дарсни тўхтатиб, кимгадир чуқур таъзим қилиб, сўрашгандай бўлибдилар. Топиблардан бири ўрнидан туриб қараса, кўчада елкасида жипд кутариб олган бир бола утиб кетаётган экан.

— Сизнинг бу қадар ҳурмат-этиборингизга сазовор бўлган зот ким буладилар? — деб сўрабди у.

— Устозимнинг набираларидир, — деб жавоб берган эканлар Абдурахмон Жомий.



## ЖАННАТМАКОН МАСКАН

Нақл қилишларича, Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқалиб кўпайишган қабила, элат ва халқларга кўрраи заминдан Ватан қилиб яшаш учун уларга ер ажратиб бериш кўни тайин қилинибди. Дунёнинг турли бурчидан келган вакиллар саф тортиб тизилишибди. Ўзбеклар уларига хос тавозе билан қўлларини кўксиларига қўйишиб «Сиз утинг, сиз утинг» дейишиб, ҳаммани олдинга утказиб юборишибди. Ҳамма хурсанд, ўз улушларини олиб маконларига қайтишармиш. Ўзбекларга навбат етгунча ер тақсимланиб бўлибди. «Не, сизларнинг келганингизга анча бўлудди-ку, қаерда юрибсизлар?» — дебди Аллоҳ. «Бизга ҳам аталган насиба бордир, деб биродар оғаларимизни олдинга утказиб юборувдик», дейи-

## УСТОЗ БОФИГА САЙР

шибди улар. «Қойилман, танти одамлар мана бундоқ бўлибди. Менда макон йўқ. Агар Ерда яшасам узимга макон қилишга мулжаллаб қўйган икки дарё орасидаги заминни сизларга ватан қилиб бердим» — дебди Аллоҳ. Азизларим, Аллоҳ назари тушган ана шу жаннатмакон маскан — ЎЗБЕКИСТОН киндик қонимиз томган муқаддас Ватанимиздир.

Бундан бир неча йил муқаддам чет эл сафаридида бўлганимда бир ибратли воқеанинг гувоҳи бўлган эдим. Испаниянинг Барселона шаҳрида бизни сайр эттириб, тепаликдаги боққа олиб чиқишди. Пастда, шаҳар марказидаги, камалак рангда

товланиб турган, кўзни қамаштирувчи улкан фаввора, унинг икки ёнидаги қатор турган фаввораларни кўриб топ бўлиб қолдик. Бу бетакрор гузаблик тимсолини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Суриштириб билсак, уни Варселонанинг оддий фуқароси куриб берган экан. Етти иқлимдан келган саёҳатчи хорижликлар бизнинг шаҳримизда ҳам шундай фаввора куриб беринг, бошингиздан зар сочамиз, деб илтимос қилишганда ҳам ҳеч кимга розилик бермабди у. Мен уни ўз жонажон шаҳрим учун қурганман, деб айтган экан уста.

Яқинда Ургут туманида бўлганимда, бу жаннатмакон маскан узра тоғ тепасида юксалиб турган яккаю-ягона, тароватли

яшил дарахтга кўзим тушди. Ажабо, тоғнинг тепасида сув бўлмаса, тошпоқ ер бўлса, дарахт қандай унди экан, деб уйладим. Ургутликларнинг айтишларича, шу жойларда яшовчи бир мўйсафид тоққа эшакда сув ташиб, дарахт кўкартирган экан. Яқинда ота оламдан ўтибдилар, аммо улардан юртга меҳр мерос бўлиб қолди.

### УСТОЗ — ОТАНГДЕК УЛУФ

Дунёни фатх этган Искандар Зулқарнайн тахтага чиқиб ўтирганда унг томонига устозини, чап томонига отасини утқазар экан. Бир кун сарой аёнларидан бири, юрак ютиб ундан бунинг



# КУЛМШ-КУЛДИРИШ МАШГУЛОТЛАРИ

— Шундай қилиб, кулги лаззатлироқ эканми, ё музқаймоқми? Менимча, бу саволга ҳамма жавоб тайёрлаб келган бўлса керак? Баракалла! Ёдингизда бўлса, утган машгулотимизда биз газетамиз саҳифаси орқали шундай савол билан муурожаат қилган эдик. Утган вақт давомида «Кулгисеварлар клуби» унлаб, юзлаб мухлисларимиздан жавоб мактублари олди. Мана улар!

**музқаймоқни ялаган сари мазаси чиқади. Кулгунни эса еб бўлмайди...**

— Асака туманидаги Муқимий номли 11-урта мактаб ўқувчилари Шоира, Шоҳида, Миржалол, Шукурулло Қосимовлар ва шу мактабнинг 3-«А» синф ўқувчиси Зебо Мирзааҳмедова, 5-«Б» синф ўқувчиси Муҳаммаджон Мирзааҳмедов, 4-«А» синф ўқувчиси Жасурбек Исмоилов-

зил ҳисси умуман бўлмайди. Шоир езиб қўйибди:

**Бўлса кимки жоҳил, ҳазил ҳисси йўқ,  
Мисли қоғоз гулдир бўйи,  
иси йўқ!**

— Баракалла!  
— Менда бир савол бор, муаллим!  
— Хуш, қанақа савол экан?  
— Нега ҳазилни ҳар ким ҳар хил тушунади?  
— Чунки ҳазил ҳисси ҳаммада ҳар хил булади: Бировда куп, бировда озроқ. Тугримми?  
— Тугри, тугри.  
— «Ҳазил ҳисси» — табиатнинг инсонга инъом этган энг ажойиб эҳсонларидан бири ҳисобланади. Ҳазил ҳисси бу ҳазиллашшни, ҳазил-мутойиба-

самимий, хузурбахш ҳазил, баданни жунжиқтирувчи, бемаза ҳазил, шунчаки ҳазил, хоёнаки ҳазил, совуқ ҳазил, қайноқ ҳазил, қалтис ҳазил, билса ҳазил, билмаса чин қабилдаги ҳазиллар учрайди. Хуш, қим ҳазилнинг яна қанақа турларини билади?

— Аччиқ ҳазил, нордон ҳазил...  
— Уртоқлик ҳазиллари.  
— Ҳа, уртоқлик ҳазиллари ҳам бор. Қани, Эшматвой, уртоқлик ҳазилига битта мисол келтиринг-чи?  
ЭШМАТ— Синфдошим Мамажонга уртоқлик ҳазилим:  
**Мамажон макки,  
Олгани икки,  
Ҳамма муаллимдан**

## ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ!

(ҳазил-ўйланма)

**БОЛА:**  
— Гап-сўзида кулгу иси, Бўлса кимда ҳазил ҳисси. Қовоғидан ёғилиб қор, Ҳазил ҳисси йўқлар ҳам бор!

**ҚИЗ:**  
— Келмаса гар сизга малол, Бордир уч-тўрт қитмир савол.  
Ҳазил нима, биласизми?  
Кулиб-негиб турасизми?

**БОЛА:**  
— **Фовлаб кетса «ҳазил ҳисси»,  
Ҳазилнинг ҳам чиқар миси.  
Бунга қандай қарайсиз сиз,**

## «ҲАЗИЛ ҲИССИ» ҲАҚИДА БЕҲАЗИЛ БАҲС

— Вой-бу, буларнинг куплигини қаранг-а!

— Яшасин, клубимизнинг кулгисевар, сероқибат, серхафсала мухлислари!

— Энди гап бундай, болажонлар, хатта эътибор — эгасига эътибор, деган гаплар бор. Шундай экан, келинг, бугунги машгулотимизни клубимизга сиртқи тингловчиларимиз йўллаган ана шу мактублар билан

лар ҳамкорликда ёзган ва бизга йўллаган хатларидан:

**«Бизга музқаймоқдан кўра кулгу кўпроқ ёқади. Сабаби, музқаймоқни пулга беради, кулгу эса текин...»**

— Хонобод Ҷаҳрида Ўзбекистон халқ артисти, машҳур кулгу дарғаси Сойиб Хужаев хотирасига бағишлаб утказилган «Қизиқчи-97» курик-танловининг иштирокчиси, еш қизиқчи


ни тушунинг қобилияти, демакдир. Донишмандлардан бири инсон руҳини хат битилмаган оппоқ саҳифага қиёслабди. Ваҳоланки, унга истаган нарсани ёзиш мумкин. Демак, тоза қоғозга билимдон ўқувчи узи хоҳлаган нарсани ёзиши, еки расом истаган сувратини чизиши мумкин. Бу ерда айб қоғозда эмас. Балки, хат битаётган еки сурат чизаётган кишидадир. Демак, айб ҳазил қилган одамда эмас, ҳазилни тушунмаган одамда. Ҳа, гул ҳидини билмаган, гул қадрини на билсин! Сизлар ҳам бунақа гапларни куп эшитган булсангиз керак-а?

— Ҳа, «ҳазилдан зил чиқар, зилдан зилзила».  
— Баракалла!  
— «Яхши ҳазил — хуш булур, ёмон ҳазил — мушт булур»...  
— Жуда яхши!  
— «Ҳазилни кутарганга чиқарган», «Ҳазил-ҳазилни тушунмаган кал Фозил» деган гапларни ҳам биламиз.  
— Яхши! «Ҳазилнинг бир шингили яхши», «Ҳазил-уйин, синдирар буйин» деганларини-чи?...

— Буларни ҳам эшитганмиз.  
— Жуда яхши, болалар! Мана курдингизми, ҳазилкаш, ҳазилпарвар халқимиз ҳазил-мутойиба ҳақида қанчадан-қанча ҳикматлар мерос қолдирган. Ҳа, ҳазил-хузул яхши нарса. Лекин ана шу ҳазил-хузулни тугри тушунмаслик ёмон. Ундан ҳам ёмонроғи — билиб-билмай ҳазил қилавериш. «Ҳаддидан ошган ҳазилдан йиғи яхшироқ» — деб куйибди доно халқимиз. Ҳа, ҳамма нарса — меъёри билан булгани маъқул!

**Ҳазил ҳам туз мижоз,  
зарурдир меъёр,  
Меъёрни бузишгач панд  
еганлар бор!**

Ҳаётда ҳазилнинг турлари куп: Дилларга ором берувчи



**Егани дакки.**

— Жуда яхши. Яна?

Мулла МАМАЖОН — Уртоқлик ҳазилига мен ҳам битта мисол келтирай.

— Қани айтинг, Мулла Мамажон.

Мулла МАМАЖОН — Эшматвойга уртоқлик ҳазили:

**Эшмат бақалоқ**

**Эчки чақалоқ**

**Еб юради —**

**Мудом шапалоқ.**

— Жуда яхши, болалар! Булмаса машгулотимиз сунггида сизларга бир тошширик бераман. У ҳам булса, ҳазил-ўйланма. Аввал уни ўқиб қуринг, ўйланг, кейин ед олинг!

**Кулишишга қалайсиз сиз?**

**ҚИЗ:**

— **Билса ҳазил, билмаса чин,  
Дейлади нима учун?  
Ҳазилдан панд еганмисиз,  
Ё, доим қанд еганмисиз?**

**БОЛА:**

— **Сизга ҳазил ҳазил билан  
Уч-тўрт жумбоқ айтди**


Тўлан,

**Юравермай ўйнаб-ўйнаб,  
Сиз шуларни кўринг ўйлаб!**

— Келгуси машгулотларимизгача хайр, ширинтойлар! Соғомон булинглар!

**Машгулотларни кулгисеварлар клуби мудир**

**Тўлан ТАБАССУМ  
олиб борди.**



**Уларни шарҳлаш — сиздан!**

**Расмларни А. ҲАКИМОВ, М. УНГАРОВ, М. ЭШОНКУЛОВлар чизган.**

танишишдан бошласак!

— Қашқадарё вилояти, Қасби туманидаги Бойдоқчин қишлоғида яшовчи мухлисларимиз, ака-ука Сирожиддин ва Жалолиддин Пайдоєвлар йўллаган мактубдан:

**«Биз учун музқаймоқдан кўра кулгу афзалроқ, албатта. Чунки бизнинг қишлоқда музқаймоқнинг номи бор, ўзи йўқ...»**

— Фаргона вилояти Боглод туманидаги Усмон Юсупов номли 19-урта мактаб ўқувчиси Ирода Бойбобоева йўллаган жавоб мактубдан:

**«Бизга мингта кулгудан битта музқаймоқ афзал. Чунки**

Машҳурбек Райимжоновнинг жавоб мактуби:

**«Кимгадир ёқар «Спикер». Ким музқаймоқ шайдоси,  
Мен учун кулгу аъло, кулгунинг йўқ баҳоси!...»**

— Мана болалар, курдингларми, «Кулгухона» миз бунақа хатларни жуда куп олган. Бунақа хунчақчақ, мароқли мактубларни эса фақат ҳазил ҳисси бор болаларгина еза олади.

Дарвоқе, ҳазил ҳиссининг узи нима? У ҳамма одамларда ҳам бирдек буладими? Қани бу ҳақда ким нима дейди?

— Ҳазил ҳисси ҳаммада ҳам бирдек булмайди. Бадқовок, баджаҳл, инжиқ одамларда эса ҳа-

### ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

### Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Ҳотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Дадахон ЁКУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютерига терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Т-0375. 10960 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босингга тошширинг вақти 19.00. Тошшириш — 18.30. Навбатчи муҳаррир И. Давилова.

• Руйхатдан утиш тартиби № 000137  
• Манзилимиз: 700083, Тонкент йахри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.  
• Нашр курсаткичи: № 64563  
• Телефон: 33-44-25